



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81)

2021 йил «5» август

VI-33-65-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Фахрий мураббий” орденига номзод танлаш тўғрисида

Туманда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялардан асраш, маҳалласида ёшлар учун беғараз асосда мактаб, боғча, маданият ва спорт иншоотларини барпо этганлиги ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкиллаштиришга раҳбарлик қилганлиги, шунингдек, ўзининг чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёрдамга муҳтож ҳамда оғир аҳволга тушиб қолган ёшлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида барчага шахсий намуна кўрсатиб келаётган фуқароларни мукофотлашга тавсия этиш ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти 2020 йил 10 ноябрдаги 138/VI-16-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. “Фахрий мураббий” орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича вилоят танлов комиссияси раиси А.Соатовнинг маърузаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Муҳокама натижаларига кўра Шеробод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори **Абдулаҳатов Нортожининг** номзоди муносиб номзод сифатидан танлансин.

3. “Фахрий мураббий” орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича вилоят танлов комиссиясининг 2020 йил 9 ноябрдаги 1-сонли баёни билан тақдим этилган:

Тулякова Робия Ҳасановна - нафақада, Термиз шаҳар “Боғзор” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли;

Алмарданов Исмаил - Олтинсой тумани 63-сон умумтаълим мактаби директори;

Нормурадов Холмамат - Термиз тумани “Термиз паррандачилик фабрикаси” масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси;

Бобоназарова Маърифат Турдиевна - Шўрчи тумани 13-мактабгача таълим ташкилоти раҳбари захира номзод сифатида қолдирилсин.

4. “Фахрий мураббий” орденига номзодларни тақдим қилиш бўйича вилоят танлов

комиссияси (А.Соатов) номзодларнинг йиғма жилдларини белгиланган тартибда Республика комиссиясига тақдим этсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари (А.Чориев) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.